2020 йил 6 октябрь 741п-сон
билан Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
ҚАЙТА РЎЙХАТДАН
ЎТКАЗИЛГАН

2020 йил 26 августда
Ўзбекистон таълим,фан ва
маданият ходимлари касаба
уюшмасининг V- Қурултойида
ТАСДИҚЛАНГАН

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
**УСТАВИ**

Тошкент – 2020

# I.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1.** Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси (кейинги ўринларда "Касаба уюшмаси" деб юритилади) Ўзбекистон Республикасидаги таълим, Фанлар академияси тасарруфидаги муассаса ва ташкилотларда ҳамда ушбу соҳалардаги нодавлат ташкилотларида фаолият тури бўйича умумий манфаатлар билан бирлашган ходимлар, талаба ва ўқувчи-ёшлар, қисман иш билан банд бўлганлар ёки вақтинча ишсизлар, ишламайдиган пенсионерларнинг (бундан кейинги матнда "Касаба уюшмаси аъзолари" деб юритилади) ихтиёрий асосда тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

**2.** Касаба уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади, ҳудудлар миқёсида ўзининг тузилмаларига эга бўлади.

**3.** Касаба уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг таъсис ҳужжатлари ҳамда мазкур Устав асосида амалга оширади.

**4.** Касаба уюшмаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишган ҳолда ходимларнинг штатлар жадвалини шакллантиради.

Касаба уюшмаси аввалги "Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси"нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

**5.** Касаба уюшмаси таркибий тузилмалари (ҳудудий бўлинмалари)ни тузиш, ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бўлинмаларнинг раҳбар органлари тўғрисидаги қоидалар ҳамда бўлинмаларнинг мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари мазкур устав ҳамда касаба уюшмаси Республика кенгашининг низомларида белгиланади ва қарори билан тасдиқланади.

**6.** Касаба уюшмаси ўз Уставида белгиланган мақсадларга ҳамда вазифаларга мувофиқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган ҳолда, бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиши, халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмалари ҳамда ташкилотларга аъзо бўлиши мумкин.

**7.** Касаба уюшмаси ижро ҳокимияти органлари, меҳнат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлар ижроси устидан текширув ва назоратни амалга оширувчи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек иш берувчилар бирлашмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, юридик шахслар ҳамда фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

**8.** Касаба уюшмаси ўз фаолиятида, шу жумладан молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ва улар томонидан назорат қилинмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

**9.Касаба уюшмасининг номланиши:**

ўзбек тилида: Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси;

рус тилида: Профессиональный союз работников образования и науки Узбекистана;

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA ... RO'YXATGA OLINDI -2-

инглиз тилида: The Trade Union of Education and Science workers of Uzbekistan.

**10.** Касаба уюшмасининг доимий фаолият кўрсатувчи раҳбар органи жойлашган манзили (почта манзили): 100165, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.

## II. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

**11.** Касаба уюшмасининг асосий мақсади ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилишдан иборат.

**12. Касаба уюшмаси:**

-иш берувчилар билан тармоқ келишувлари, юридик шахс мақомига эга муассаса ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилишига эришади, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

-меҳнатга оид ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, меҳнат ҳуқуқи нормаларини ўз ичига олган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

-касаба уюшмаси аъзоларига бепул ҳуқуқий маслаҳатлар беради ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур ҳолларда даъво аризалари билан судга мурожаат қилади;

-меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимларга иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг тўланишида ижтимоий адолатли тизим жорий этилишига кўмаклашади;

-ҳар бир касаба уюшмаси аъзосининг меҳнатга оид, мутахассисликка эга бўлиш, малакасини ошириш, муносиб ва ўз вақтида иш ҳақи олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлайди;

-касаба уюшмаси аъзолари ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш тадбирларини ҳамда дам олишларини ташкил этади;

-маданият, туризм, оммавий жисмоний тарбия ва спорт, санаторийларда даволаш, болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ривожлантириш масалаларида давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бирлашмалар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

-касаба уюшмаси фаолиятининг кенг ошкоралигини таъминлаш учун ахборот тарқатиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради;

-ходимлар ҳамда талаба, ўқувчи-ёшларнинг меҳнат ва таълим олиш шароитлари, ҳаёт даражасига таъсир қиладиган жараёнларни ўрганади ва таҳлил қилади.

**13.** Касаба уюшмаси амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўз Устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

## III. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**14. Касаба уюшмаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

-ўз аъзоларининг касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид ва бошқа ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

-ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси,

шунингдек суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш;

-ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

-давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

-ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари масалалари юзасидан бепул ахборот олиш;

-оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

-ўзининг мақсад ва вазифаларига қаратилган танлов, тадбир ва анжуманлар ташкил этиш, ўтказиш, касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларини рағбатлантириш;

-Уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

-ўз рамзий белгиларини таъсис этиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказиш;

-ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар, Қурултойлар ўтказиш;

-касаба уюшмаси, унинг бўлинмалари ва бошланғич ташкилотлари иш берувчилар томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

- давлат органларининг, иш берувчиларнинг, улар бирлашмаларининг очиқ хайъат мажлисларида иштирок этиш.

Касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

**15. Касаба уюшмасининг мажбуриятлари:**

-қонун ҳужжатларига риоя этиш;

-ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

-рўйхатдан ўтказувчи орган вакилига ўзи ўтказаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

- ўз аъзолари олдида камида бир йилда бир марта ўз фаолияти хақида ҳисобот бериш;

-рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш.

Касаба уюшмаси конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

## IV. КАСАБА УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**16.** Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

Касаба уюшмаси Устави талабларини тан олувчи ва бажарувчи, аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб борувчи 15 ёшга тўлган хар бир жисмоний шахс касаба уюшмаси аъзоси бўлиши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш талабгорларнинг шахсий аризасига биноан касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг умумий йиғилиши ёки қўмита мажлисида амалга оширилади.

Касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш санаси тегишли қарор қабул қилинган кундан ҳисобланади. Касаба уюшмасига қабул қилинган шахсга бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти томонидан аъзолик билети берилиши мумкин.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти бўлмаган муассаса, корхона ва бошқа иш жойларида касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ва чиқариш туман (шаҳар) ва касаба уюшма бирлашган ташкилотининг Ижроия қўмиталари томонидан амалга оширилади.

**17.** Меҳнат фаолияти ёки ўқишни вақтинчалик тўхтатган, аъзолик бадалларини тўлаб турган касаба уюшмаси аъзолари учун касаба уюшмасига аъзолик сақланиб қолинади.

**18. Касаба уюшмаси аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

-касаба уюшмаси органларидан ҳуқуқий ёрдам олиш ҳамда давлат, суд ва мулк шаклидан қатъий назар, хўжалик органларида меҳнат муносабатларига оид масалалар бўйича касаба уюшмасининг ҳимоясида бўлиш;

-касаба уюшмаси органларига сайлаш ва сайланиш;

-касаба уюшмасининг тадбирларида иштирок этиш, ўз фикрини эркин баён қилиш, ўз фаолияти ва хулқ-атворига тааллуқли масала кўрилаётган мажлис, йиғилиш, конференцияларда шахсан иштирок этиш;

-юқори касаба уюшмаси органларига мурожаат этиш;

-Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги ва бошқа санаторийларга, корхона (ташкилот)ларнинг санаторий-профилакторийлари-га, дам олиш масканларига, болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар олиш, маданият муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланиш;

- бир вақтнинг ўзида 2 та касаба уюшмасига аъзо бўлиш (мисол учун ўриндошлик асосида ишлаётганлар);

-шахсий аризасига кўра касаба уюшмаси аъзолигидан эркин чиқиш.

**19. Касаба уюшмаси аъзоларининг мажбуриятлари:**

-касаба уюшмаси Уставига риоя қилиш ва касаба уюшмаси органлари қарорларини бажариш;

-касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш;

-жамоа шартномалари ва келишувлари мажбуриятларининг бажарилишига кўмаклашиш;

-аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бориш;

-касаба уюшма фаолиятига тўсқинлик қиладиган ва зарар келтирадиган ҳаракатларга йўл қўймаслик.

**20.** Уставда белгиланган вазифаларни бажармаган касаба уюшмаси аъзосига нисбатан қуйидаги жамоатчилик таъсир чоралари қўлланиши мумкин:

-огоҳлантириш;

-касаба уюшма аъзолигидан чиқариш.

Жамоатчилик таъсир чоралари бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ой ичида, лекин у аниқланган кунидан олти ойдан кечикмасдан қўлланилади, бунда касаба уюшма аъзоси касал бўлган ёки таътилда бўлган вақт ҳисобланмайди.

Ҳар бир ножўя хатти – ҳаракат учун касаба уюшма аъзосига фақат битта жамоатчилик таъсир чораси қўлланилади.

**21**. Касаба уюшмаси аъзосига жамоат таъсири чораларини қўллаш масаласи унинг иштирокида, узрли сабабларсиз келмаган ҳолларда эса унинг иштирокисиз касаба уюшма гуруҳи, цех, бошланғич ташкилот умумий йиғилишида ёки унинг сайлаб қўйиладиган коллегиал раҳбар органи мажлисида, шунингдек, касаба уюшмаси юқори раҳбар органларининг ташаббуси билан уларнинг мажлисларида, кейинчалик касаба уюшмаси аъзоси ҳисобда турган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини қабул қилинган қарордан хабардор этган ҳолда ҳал қилинади.

Касаба уюшмаси аъзосидан жамоат таъсири чорасини олиб ташлаш масаласи тегишли касаба уюшмаси органи йиғилиши томонидан қўлланилган кундан камида уч ойдан сўнг кўриб чиқилиши мумкин.

**22.**Касаба уюшма аъзоси жамоат таъсири чораси қўлланилиши устидан касаба уюшмасининг юқори раҳбар органига шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Шикоят мазкур касаба уюшмаси раҳбар органи томонидан бир ойдан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

**23.** Суд томонидан жиноят содир этганликда айбланган ва озодликдан маҳрум этилган касаба уюшмаси аъзоси ўзи ҳисобда турган бошланғич ташкилот умумий йиғилиши, қўмитасининг ёки юқори касаба уюшмаси раҳбар органининг қарори билан аъзоликдан чиқарилади.

**24.** Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилган ёки чиққан шахс касаба уюшмаси томонидан ўзининг ижтимоий - меҳнат ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, бепул ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқига эга эмас.

Тўлаган аъзолик бадаллари унга қайтарилмайди.

6 ойдан ортиқ узрсиз сабабларга кўра аъзолик бадалини тўламаган касаба уюшмаси аъзоси касаба уюшмаси аъзолигидан чиққан ҳисобланади.

**25.** Касаба уюшмаси фаолиятида фаол қатнашганлиги учун касаба уюшмаси аъзолари касаба уюшмаси органлари томонидан белгиланган тартибда маънавий ва моддий рағбатлантирилиши мумкин.

## V. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

**26.** Касаба уюшмаси ўз фаолиятини қонунийлик, ихтиёрийлик, камситишга йўл қўймаслик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш, тенг ҳуқуқлилик, ошкоралик ва очиқлик, озчилик фикри ҳисобга олинган ва келишувга интилган ҳолда қабул қилинган қарорларнинг касаба уюшмаси органлари томонидан бажарилиши мажбурийлиги тамойилларига асосан амалга оширади.

**27. Касаба уюшмаси тизими қуйидагиларни ташкил этади:**

- бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти (кейинги ўринда -"Бошланғич ташкилот"деб юритилади);

- бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси (кейинги ўринда -"Бирлашган қўмита" деб юритилади);

- касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинмалари (кейинги ўринда -"Туман (шаҳар) бўлинмалари" деб юритилади);

- касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари (кейинги ўринда-"Ҳудудий бўлинма" деб юритилади);

- касаба уюшмаси Республика кенгаши (кейинги ўринда -"Республика кенгаши" деб юритилади).

- касаба уюшмаси Республика кенгашининг аппарати (кейинги ўринда - “Республика кенгаши аппарати”).

## VI. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР

**28.** Бошланғич ташкилот ишлаб чиқариш, касб-кор тамойили бўйича, мулк шакли ва бўйсунувидан қатъий назар, юридик шахс бўлган ташкилотлар, корхоналар, муассасаларда касаба уюшмаси аъзолари томонидан тузилади.

Бошланғич ташкилотни тузиш тўғрисидаги қарор ушбу юридик шахсдаги касаба уюшмаси аъзоларининг таъсис йиғилиши ёки конференцияси томонидан қабул қилинади ва ушбу қарор тегишли касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинмалари ёки Бирлашган қўмиталарига юборилади.

Корхона ва муассасаларнинг тузилмасидан келиб чиқиб, бошланғич ташкилот таркибида бошланғич ташкилотнинг қўмита қарори билан цех ташкилотлари, касаба уюшмаси гуруҳлари тузилиши мумкин.

Касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг қарорига кўра йирик бошланғич ташкилотлар бирлашмасига туман (шаҳар) бўлинмаси, Бирлашган қўмита мақоми берилиши мумкин.

Бошланғич ташкилотнинг юқори органи- умумий йиғилиш (касаба уюшма аъзоларининг жами иштирок этиши имконияти мавжуд бўлганда ўтказилади) ёки конференция (касаба уюшма аъзолари сони кўп бўлиб умумий йиғилиш ўтказиш имконияти бўлмаган ташкилотларда гуруҳ, цех ташкилотларидан делегатлар сайлаш йўли билан ўтказилади) ҳисобланади. Уларнинг йиғилишлари заруратга қараб, аммо йилига камида бир марта ўтказилади.

Бошланғич ташкилот ўз ишини касаба уюшмаси Устави ва Республика кенгашининг Ижроия қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган “Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисида”ги Низом асосида юритади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган бошланғич ташкилотлар даромад ва харажатлар сметасини юқори тизим касаба уюшмаси раҳбар органи билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

Бошланғич ташкилот умумий йиғилиши (конференцияси) касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинмалари, Бирлашган қўмиталари конференциясига делегатлар сайлайди.

Жорий ишларни олиб бориш учун бошланғич ташкилот умумий йиғилиши (конференцияси)да қуйидагилар 5 йил муддатга сайланади:

-15 нафаргача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган бошланғич ташкилотда - касаба уюшмаси бошланғич ташкилот ташкилотчиси, унинг ўринбосари ва юридик шахс мақомига эга бошланғич ташкилотларида – ғазначи;

-15 нафар ва ундан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган бошланғич ташкилотларда - бошланғич касаба уюшма қўмитаси таркиби, мазкур касаба уюшма қўмитасининг раиси ва ўринбосари ҳамда юридик мақомга эга бошланғич ташкилотларда -тафтиш комиссияси.

Шунингдек қўмита аъзолари таркибига заҳира (дублёр) ҳам сайланиши мумкин. Мазкур заҳира кадрларга қўмита аъзолари бошқа ишга ўтиб кетганда, навбатдан ташқари ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказиш имкони бўлмаганда, қўмита йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш ваколати берилади.

Бошланғич ташкилот қўмиталари, цех қўмиталари мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

Касаба уюшмаси гурухи ташкилотчиси, бошланғич ташкилот ташкилотчиси, касаба уюшма қўмитасининг муддатдан олдин сайлови аъзоларни камида учдан бир қисмининг талаби ёки юқори касаба уюшмаси органининг қарорига биноан, шунингдек касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти қўмита қарори ва ташкилотчи ташаббуси билан ўтказилиши мумкин.

Йиғилишда тенг овоз ёки мунозарали ҳолат юзага келса, йиғилиш раисининг фикри хал қилувчи ҳисобланади. Қўмита йиғилишлари қарори юзасидан норозиликлар келиб чиқса юқори турувчи касаба уюшмаси ташкилотлари мазкур қарор юзасидан ҳуқуқий баҳо беради.

Ташкилот ёки муассасада мулкчилик шакли ўзгарган тақдирда, бошланғич ташкилот ўз ҳуқуқий мақомини саклаб қолган холда фаолият кўрсатишни давом эттиради.

Юридик шахс бўлган бошланғич ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Республика кенгаши билан Тармоқ келишуви имзолаган тегишли вазирлик ва идоралар тасарруфидаги ташкилотлар тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмиталари орқали касаба уюшмаси хизматига олади.

**29. Бошланғич ташкилот:**

- фаолиятнинг устувор йўналишлари, касаба уюшмасининг юқори органлари қарорлари, мазкур Устав, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни эътиборга олган ҳолда ишини ташкил этади;

-меҳнат, меҳнат муҳофазаси, маънавият ва маърифат, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш соҳаларида ходимларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ифодалайди ҳамда ҳимоя қилади;

-меҳнат жамоаси номидан иш берувчи билан жамоа шартномасини имзолайди ва унинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда иштирок этади;

-меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантиришнинг жорий ва истиқбол режаларини ишлаб чиқишда, якка тартибдаги ва жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилишда қатнашади;

-юридик мақомга эга бўлган тақдирда ўз ихтиёрида қолдирилган маблағ доирасида, юқори касаба уюшма органи томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга амал қилган ҳолда касаба уюшмаси бюджетини, даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлайди ҳамда бу маблағларни Уставда белгиланган мақсадларга сарфлайди;

-амалдаги Низомлар асосида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини ташкил этади;

-умумий йиғилишлар, конференциялар, Қурултой ва юқори органлар қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

-жамоада меҳнат низолари юзага келган ҳолларда, заруриятга қараб, юқори ташкилот ва юқори касаба уюшмаси органини хабардор қилади, меҳнат низолари комиссиясини ташкил қилишда ҳамда унинг ишида иштирок этади. Келишувга эришилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ иш юритади;

-иш берувчилар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари асосида касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш (жумладан, талабалар, ўқувчи-ёшлар ва илмий

тадқиқотчилар турар жойларини ҳисобга олган ҳолда), меҳнатини ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, стипендия ҳамда нафақалар таъминоти масалаларининг ҳал этилишига кўмаклашади;

-ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш бўйича иш олиб боради, илмий-техника ижодиёти ва бадиий ҳаваскорлик, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни, шунингдек, санаторий-курортларда дам олиш ҳамда даволанишни ташкил қилишда кўмаклашади;

-касаба уюшмаси цех қўмиталарига, касаба уюшмаси гуруҳларига ўз ваколатига доир баъзи ҳуқуқларни бериши (қонун билан берилган ваколатлар бундан мустасно) ўз комиссияларини тузиши ва уларнинг ваколатларини белгилаб бериши мумкин.

**30.** Касаба уюшмаси цех қўмитаси ўз фаолиятини юридик шахс бўлимлари, факультет, лабораторияларда ташкил қилади, касаба уюшмаси юқори тузилмалари раҳбар органлари қарорларининг бажарилишини таъминлайди, касаба уюшмаси гуруҳ ташкилотчилари ишини йўналтириб ва мувофиқлаштириб боради.

**31.**Касаба уюшмаси гуруҳ ташкилотчиси аъзолар билан якка тартибда иш олиб боради, уларни жамоатчилик ишларида фаол иштирок этишга жалб қилади, меҳнат, ўқиш, малака ошириш, маиший хизмат ҳамда дам олиш шароитини яхшилаш борасида касаба уюшмаси қўмитасига таклифлар киритади.

**32.** Бошланғич ташкилоти фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш бўйича қарор касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмиталари Ижроия қўмитаси билан келишилган ҳолда бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиш ёки конференцияда қабул қилинади. Қарор кворум мавжуд бўлгани ҳолда умумий йиғилишда иштирок этаётган касаба уюшмаси аъзоларининг ёки конференцияда иштирок этаётган делегатларнинг учдан икки қисми қўллаб-қувватлаганда қабул қилинган ҳисобланади ва кучга киради.

## VII. ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИНМАЛАРИ ВА БИРЛАШГАН ҚЎМИТАСИ

**33.** Туман (шаҳар) бўлинмаларини ташкил этиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган ҳолда Республика кенгашининг Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинади ва "туман (шаҳар) кенгашлари" деб номланиши ҳам мумкин. Бирлашган қўмита ҳам Республика кенгашининг Ижроия қўмитаси қарори билан ташкил этилиб, ҳудудий бўлинма ҳисобланади. Ушбу бўлинмаларни шакллантириш тегишлилигича касаба уюшмаси Туман (шаҳар) бўлинмалари ҳамда Бирлашган қўмиталар конференцияларида амалга оширилади ва юридик мақомга эга бўлади.

Туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмитани молиялаштириш тартиби, штатлар жадвали ҳамда иш ҳақи миқдорлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида Республика кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан белгиланади.

Уларнинг фаолияти касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинмалари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бирлашган қўмитаси тўғрисида Низом" асосида олиб борилади.

**34.** Туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмитанинг раҳбар органлари қуйидагилар:

- Конференция;
- Кенгаш, Бирлашган қўмита;
- Ижроия қўмита.

Туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмитанинг юқори органи конференция ҳисобланади.

Конференция Туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмита томонидан беш йилда камида бир марта чақирилади.

Конференцияни чақириш, делегатлар меъёри ва кун тартиби камида бир ой олдин маълум қилинади.

Конференцияларга сайланадиган делегатлар меъёри, уларни сайлаш тартиби тегишли Туман(шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмита томонидан белгиланади.

Навбатдан ташқари конференция Туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмитадаги касаба уюшма аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талаби билан, Туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмитанинг ўз ташаббуси билан ёки Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ чақирилиши мумкин. Бунда Конференцияни чақириш муддати ва кун тартиби бўйича қарор камида ўн беш кун олдин эълон қилинади.

**35.** Туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмита конференцияси:

-юқори касаба уюшмаси ташкилотлари конференциялари, Қурултойига делегатлар сайлайди. Белгиланган квотага мувофиқ юқори касаба уюшмаси органлари таркибига номзодлар тавсия қилиши мумкин;

- туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмитанинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди;

- уларнинг янги таркибини ҳамда раис ва раис ўринбосарларини сайлайди, лавозимидан озод қилади ва улар билан меҳнат шартномасини имзолаш ваколатини белгилайди;

- тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди, уларнинг янги таркибини ҳамда раис ва раис ўринбосарларини сайлайди, лавозимидан озод қилади.

**36.** Конференция оралиғида Туман (шаҳар) кенгашлари ва Бирлашган қўмита тегишли касаба уюшмаси ташкилотларининг раҳбар органи ҳисобланади.

**37.** Туман (шаҳар) кенгашлари ва Бирлашган қўмитаси бир йилда камида бир марта тегишли Ижроия қўмита қарори билан чақирилади.

**38.** Туман (шаҳар) кенгашлари ва Бирлашган қўмита:

-Уставда белгиланган вазифаларни, Конференциялар ва Қурултойнинг қарорларини бажариш бўйича иш олиб боради;

-конференциялар оралиғида раис, раис ўринбосарини сайлайди, лавозимидан озод қилади ва улар билан меҳнат шартномасини имзолаш ваколатини белгилайди.

-Ижроия қўмита таркибини кенгаш аъзолари орасидан сайлайди, комиссиялар тузади;

-касаба уюшмаси бюджетини бошқарилиши, унинг ижроси ва тақсимланиши юзасидан ҳисоботни тинглайди ва тегишли қарорлар қабул қилади.

**39.** Туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмита фаолиятлари давомида бир йилда камида бир марта конференция ва юқори касаба уюшмаси органларига ҳисобот берадилар.

RO'YXATGA OLINDI

**40.** Туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмитасининг **Ижроия қўмитаси:**

-амалдаги қонун ҳужжатлари ва касаба уюшмаси Устави, юқори органларининг қарорлари асосида касаба уюшмаси ташкилотлари олдида турган мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ўз ишини ташкил қилади;

-ҳудуддаги тегишли иш берувчилар, идоралар билан тармоқ ходимларига таaллуқли ижтимоий-иқтисодий муаммолар мажмуи бўйича жамоа (ҳудудий тармоқ) келишувларини тузади;

-янги ташкил этилган бошланғич ташкилотларига фаолиятини тўғри йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатади;

-аъзолик бадалларининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилади, муаммоли ҳолатлар содир бўлганда уларни бартараф этиш чораларини кўради,

-тасдиқланган Низомларга асосан ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ва касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши Ижроия қўмита қарорлари орқали амалга оширилади;

- бошланғич ташкилотларни ташкил қилиш, тугатиш масалаларини олдиндан кўриб чиқади ҳамда тегишли равишда расмийлаштиради;

- юридик мақомга эга бўлмаган ва юридик мақомга эга бўлган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлайди ҳамда бу борада амалий жиҳатдан кўмаклашади;

-касаба уюшмаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, молиявий шароитини яхшилаш ва ишсизликни бартараф қилишга ўз ҳиссасини қўшиш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида (талабалар, ногиронлар ва тадбиркорларни ҳам бу ишга жалб қилган ҳолда) касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан тадбиркорлик тузилмалари яратиш тўғрисида қарор қабул қилади;

-Туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмита Мажлисини чақириш тўғрисида қарорлар қабул қилади, Мажлис ўтказиш кунини белгилайди ва кун тартиби юзасидан таклифларни киритади;

-Туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмита иш режаларини тасдиқлайди, касаба уюшма ходимлари ва фаолларини юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг Фахрий ёрлиқлари, нишонлари билан тақдирлашга тавсия этади.

Туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмитани молиялаштириш тартиби, штатлар жадвали ҳамда иш ҳақи миқдорлари касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида Республика кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан белгиланади.

Бирлашган қўмитада "Ижроия қўмита" органи "Раёсат" деб номланиши мумкин.

**41.** Туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмита фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш масаласи Республика кенгаши Ижроия қўмитаси ва Туман (шаҳар) бўлинмалари ҳамда Бирлашган қўмита конференцияси томонидан амалга оширилади.

Конференция қарори кворум мавжуд бўлганда, делегатларнинг учдан икки қисми қўллаб-қувватлаганда қабул қилинган ҳисобланади ва кучга киради.

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI

**42.** Барча молиявий мажбуриятлар бажарилганидан сўнг, касаба уюшмаси органининг мол-мулки ва маблағлари Уставда белгиланган мақсадларга сарфлаш учун Республика кенгашига ўтказилади.

## VIII. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИ

**43.** Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаларини тузиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган ҳолда Республика кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинади ва "Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари" деб ҳам номланиши мумкин.

Ушбу ташкилот органларини шакллантириш тегишлилигича Ҳудудий бўлинма конференциясида амалга оширилади ва юридик мақомга эга бўлади.

Ҳудудий бўлинмани молиялаштириш тартиби, штатлар жадвали ҳамда иш ҳаққи миқдорлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида Республика кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан белгиланади.

Уларнинг фаолияти мазкур Устав асосида олиб борилади.

Ҳудудий бўлинмаларнинг раҳбар органлари қуйидагилар:

- Конференция;
- Кенгаш;
- Ижроия қўмита.

**44.** Ҳудудий бўлинманинг юқори органи конференция ҳисобланади.

Конференция Ҳудудий кенгаш томонидан беш йилда камида бир марта чақирилади.

Конференцияни чақириш, делегатлар меъёри ва кун тартиби камида бир ой олдин маълум қилинади.

Конференцияга сайланадиган делегатлар меъёри, уларни сайлаш тартиби Ҳудудий кенгаш томонидан белгиланади.

Навбатдан ташқари конференция Ҳудудий кенгаш аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талаби билан ёки Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ чақирилиши мумкин. Бунда Конференцияни чақириш муддати ва кун тартиби бўйича қарор камида ўн беш кун олдин эълон қилинади.

**45. Ҳудудий бўлинманинг конференцияси:**

-юқори ташкилотлар конференциялари, Қурултойига делегатлар сайлайди. Белгиланган квотага мувофиқ юқори касаба уюшмаси органлари таркибига номзодлар тавсия қилиши мумкин;

-Ҳудудий бўлинманинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди, унинг янги таркибини, раиси ва раис ўринбосарларини сайлайди, лавозимидан озод қилади ва улар билан меҳнат шартномасини имзолаш ваколатини белгилайди;

- тафтиш комиссиясининг фаолияти юзасидан ҳисоботларини тинглайди тафтиш комиссияси таркибини, раиси ва раис ўринбосарларини сайлайди, лавозимидан озод қилади;

-Ҳудудий бўлинма, туман (шаҳар) бўлинмалари ва уларнинг хизматидаги бошланғич ташкилотларнинг истиқболдаги муҳим ва долзарб вазифаларини акс эттирган чора-тадбирларни белгилайди.

**46.** Конференциялар оралиғида Ҳудудий кенгаш ваколатли раҳбар органи ҳисобланади.

DAVLAT ... OLINDI -2-

**47.** Ҳудудий кенгаш бир йилда камида бир марта Худудий бўлинманинг Ижроия қўмитаси қарори билан чақирилади.

**48. Ҳудудий кенгаш:**

- Уставда белгиланган вазифаларни, Конференциялар ва Қурултойнинг қарорларини бажарилишини амалга оширади;

- конференциялар оралиғида раис, раис ўринбосарини сайлайди, лавозимидан озод қилади ва улар билан меҳнат шартномасини имзолаш ваколатини белгилайди.

- Ижроия қўмита таркибини кенгаш аъзолари орасидан сайлайди, комиссиялар тузади;

- ташкилот тафтиш комиссияси билан қўшма мажлисларда ташкилот тафтиш комиссияси аъзоларини сайлайди ва аъзоликдан чиқаради;

- касаба уюшмаси бюджетини бошқаради, унинг бажарилиши ва тақсимланиши устидан назоратни амалга оширади.

**49.** Ҳудудий бўлинма фаолияти давомида конференция ва касаба уюшмасининг юқори органларига ҳисобот беради.

**50. Ҳудудий бўлинма Ижроия қўмитаси:**

-амалдаги қонун ҳужжатлари ва касаба уюшмаси Устави, юқори органларнинг қарорлари асосида касаба уюшмаси ташкилотлари олдида турган мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ўз ишини ташкил қилади;

-ҳудудлаги тегишли иш берувчилар, идоралар билан тармоқ ходимларига тааллуқли ижтимоий-иқтисодий муаммолар мажмуи бўйича ҳудудий тармоқ келишувларини тузади;

-Туман (шаҳар) кенгашлари, бошланғич ташкилотларга фаолиятини тўғри йўлга қўйишда амалий, услубий ёрдам кўрсатади;

-аъзолик бадалларининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилади, муаммоли ҳолатлар содир бўлганда уларни бартараф этиш чораларини кўради,

-тасдиқланган Низомларга асосан ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ва касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши Ижроия қўмита қарорлари орқали амалга оширилади;

-Туман (шаҳар) бўлинмалари ва бошланғич ташкилотларни ташкил қилиш, тугатиш масалаларини олдиндан кўриб чиқади ҳамда тегишли равишда расмийлаштиради;

-Туман (шаҳар) бўлинмалари ва бошланғич ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилади, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлайди ҳамда бу борада амалий жиҳатдан кўмаклашади;

-касаба уюшмаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, молиявий шароитини яхшилаш ва ишсизликни бартараф қилишга ўз ҳиссасини қўшиш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида (талабалар, ногиронлар ва тадбиркорларни ҳам бу ишга жалб қилган ҳолда) касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан тадбиркорлик тузилмалари яратиш тўғрисида қарор қабул қилади;

-Ҳудудий бўлинма Мажлисини чақириш тўғрисида қарор қабул қилади, Мажлисни ўтказиш кунини белгилайди ва кун тартиби юзасидан таклифларни киритади;

-Ҳудудий бўлинма иш режаларини тасдиқлайди, касаба уюшма ходимлари ва фаолларини юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг Фахрий ёрлиқлари, нишонлари билан тақдирлашга тавсия этади.

Ҳудудий бўлинмани молиялаштириш тартиби, штатлар жадвали ҳамда иш

хаки микдорлари касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдикланган меъёрий ҳужжатлар асосида Республика кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан белгиланади.

**51.** Ҳудудий бўлинма раиси 5 йил муддатга сайланади, лавозими бўйича касаба уюшмаси Ҳудудий бўлинма, Ҳудудий кенгаш, Ижроия қўмита ва Ҳудудий бўлинма аппаратига раислик қилади. Конференциялар оралиғида сайланган Ҳудудий бўлинма раисининг ваколати навбатдаги Ҳисобот сайлов конференциясигача узайтирилади.

Конференция қарорига биноан, ҳудудий касаба уюшмаси номидан Конференция ваколат берган шахс Ҳудудий бўлинма раиси билан меҳнат шартномасини имзолайди.

**Ҳудудий бўлинма раиси:**

- Конференция, Ҳудудий кенгаш ва Ижроия қўмитаси олдида ҳисобот беради;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда, оммавий ахборот воситаларида ҳудудий касаба уюшмаси номидан иш кўради;
- Ижроия қўмита номидан иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, давлат ҳокимияти ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар билан меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларда келишувларни имзолайди;
- муассаса ва ташкилотлар раҳбарларидан ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини камситадиган ёки қонун ҳужжатларига зид қарорлари ижросини тўхтатиб қўйишни ёки ўзгартиришни талаб қилади;
- Ҳудудий бўлинма номидан мурожаатнома ва тавсиялар йўллайди, муаммоли вазиятлар юзасидан тегишли мутасадди ташкилотлар билан музокараларга киришади;
- Ҳудудий бўлинма номидан юридик ва жисмоний шахслар билан алоқада ишончномасиз ҳаракат қилади ҳамда мулоқот олиб боради;
- аппаратнинг ички меҳнат тартибини белгиловчи ва бошқа локал ҳужжатларни тасдиқлайди;
- Ҳудудий бўлинма аппаратига умумий раҳбарликни амалга оширади, аппарат ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларнинг вазифаларини белгилайди, рағбатлантиради ва интизомий жазо чораларини қўллайди,тегишли ҳудудий касаба уюшмаси кенгаши аппаратининг маъмурий-хўжалик фаолиятини таъминлайди;
- мазкур Уставда белгиланган ваколати доирасида фармойишлар чиқаради;
- Ҳудудий бўлинма номидан ишончнома беради;
- Ҳудудий бўлинма Ижроия қўмитаси йиғилишини чақиради, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан йиғилишга ҳужжатлар тайёрланиши ва киритилишини назорат қилади, қабул қилинган қарорларни имзолайди;
- Ҳудудий бўлинма номидан хўжалик ва бошқа шартномаларни тузади;
- тасдиқланган смета ва Ижроия қўмита қарорларига мувофиқ мулк ва пул маблағларидан фойдаланишни бошқаради;
- Ҳудудий бўлинма томонидан унга берилган бошқа вазифаларни бажаради.

**52.**Ҳудудий бўлинма фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш масаласи Республика кенгаши Ижроия қўмитаси қарори ва тегишли Ҳудудий бўлинма конференцияси томонидан амалга оширилади.

Конференцияларнинг қарори кворум мавжуд бўлганда, делегатларнинг учдан икки қисми қўллаб-қувватлаганда қабул қилинган ҳисобланади ва кучга киради.

**53.** Барча молиявий мажбуриятлар бажарилганидан сўнг, касаба уюшмаси органининг мол-мулки ва маблағлари Уставда белгиланган мақсадларга сарфлаш учун Республика кенгашига ўтказилади.

## IX. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

**54.** Қуйидагилар касаба уюшмасининг республика даражасидаги раҳбар ва ижроия органлари ҳисобланади:

-Қурултой;

-Республика кенгаши;

-Тафтиш комиссияси;

-Республика кенгаши Ижроия қўмитаси.

**55.** Қурултой касаба уюшмасининг олий раҳбар органи бўлиб, Республика кенгаши томонидан беш йилда камида бир марта чақирилади. Қурултойни чақириш муддати, вакиллик меъёри, делегатларни сайлаш тартиби ва кун тартиби камида 2 ой олдин эълон қилинади.

Касаба уюшмасининг навбатдан ташқари Қурултойи Республика кенгашининг ўз ташаббуси билан ёки касаба уюшмаси аъзоларининг учдан бир қисмининг талабига, шунингдек Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг тавсиясига кўра чақирилиши мумкин.

Навбатдан ташқари Қурултойни чақириш муддати ва унинг кун тартиби камида бир ой олдин эълон қилинади.

**56.** Касаба уюшмаси раҳбар органлари таркибига иш берувчилар ва давлат органлари раҳбарлари сайланиши мумкин эмас.

**57. Қурултой қуйидаги ваколатларга эга:**

-Республика кенгаши, тафтиш комиссияси фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш;

-касаба уюшмасининг Устави ва “Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низоми”ни тасдиқлаш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- касаба уюшмаси фаолиятини стратегиясини белгилаш;

-касаба уюшмасини қайта номлаш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;

-Республика кенгаши раисини сайлаш ва муддатидан олдин лавозимидан озод қилиш;

-Республика кенгаши аъзоларини сайлаш;

-Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишган ҳолда касаба уюшмаси тузилмасини белгилаш;

-касаба уюшмасининг тафтиш комиссияси раисини ҳамда аъзоларини сайлаш, зарурат бўлганда муддатидан олдин ушбу таркибга ўзгартириш киритиш;

-касаба уюшмаси ҳаракатининг муҳим масалалари бўйича қарорлар, мурожаатномалар қабул қилиш;

-касаба уюшмаси таркибидаги ташкилотларнинг апеляциясини кўриб чиқиш;

-Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қурултойига делегатлар, шунингдек, белгиланган квота бўйича Федерацияси Кенгаши таркибига вакилларни сайлаш;

Қурултой Республика кенгаши, Ижроия қўмитаси ҳамда Республика кенгаши раисига алоҳида ваколатларни бериши мумкин.

Республика кенгаши раиси ва унинг ўринбосари (ўринбосарлари) ўз лавозимларига кўра касаба уюшмаси Қурултойи делегати ҳисобланади.

Қурултой қарорлари-қарор, резолюция, декларация, шунингдек мурожаат шаклида бўлиши мумкин.

**58.** Республика кенгаши Қурултой оралиғида касаба уюшмасининг раҳбар органи ҳисобланади ва унинг таркиби беш йил муддатга сайланади. Республика кенгаши заруратга қараб, лекин йилда камида бир маротаба ўтказилади.

**Республика кенгаши:**

-Уставда белгиланган вазифаларни ва Қурултой қарорларини бажариш бўйича фаолиятни амалга оширади;

-касаба уюшмаси Қурултойини чақиради ва уни ўказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни белгилайди;

-Қурултойга Республика кенгаши ҳисоботи ва маърузачисини тасдиқлайди;

-касаба уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишларини белгилайди;

-қуйи касаба уюшмаси ташкилотларининг асосий фаолият йўналишларини белгилайди;

-Республика кенгаши раиси ўринбосарини, зарур ҳолларда Қурултой оралиғида раисини сайлайди ва лавозимидан озод қилади. Бу ҳақдаги қарор кенгаш аъзоларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берганда кучга киради;

-зарур ҳолларда Қурултой оралиғида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши таркибидан вакилларини чақириб олиш ва уларнинг ўрнига янги вакилларни кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

-Ижроия қўмита аъзоларини кенгаш аъзолари орасидан беш йил муддатга сайлайди ва уларнинг ваколатларини белгилайди;

-соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш ишлари бўйича асосий йўналишларни белгилайди;

-Устав вазифаларидан келиб чиққан ҳолда молиявий, хўжалик ва бошқа фаолият турларини амалга оширади, шунингдек, хайрия ҳамда бошқа марказлашган жамғармалар ташкил қилиши мумкин;

- касаба уюшмаси Республика кенгаш Мажлис (Пленум)ида кўрилган масалалар бўйича хулосалари қарор шаклида қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

**59.** Ижроия қўмита Республика кенгаши Мажлис (Пленум)лари оралиғидаги ижроия органи ҳисобланади.

Ижроия қўмита йиғилиши заруратга қараб, аммо чоракда камида бир марта ўтказилади.

**Республика кенгаши Ижроия қўмитаси:**

-вазирлик ва муассасалар билан тармоққа қарашли ташкилотлар ходимлари учун меҳнат шароити, бандлик ва ижтимоий кафолатлар бўйича мажбуриятларни, шунингдек, ходимлар ҳамда талаба ва ўқувчиларининг маънавий дунёқарашини бойитиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш масалаларини ўзида акс эттирувчи қўшма қарорлар қабул қилади;

-Республика кенгашининг мажлисини чақиради, кун тартиби юзасидан таклифлар киритади, муҳокама қилинаётган масалаларга оид хужжатларни тақдим этади, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ташкил қилади;

-касаба уюшмаси бўлинмаларини ташкил қилади ва тугатади;

-касаба уюшма ходимлари ва фаолларини давлат мукофотига тавсия қилиш, уларга фахрий унвонлар бериш ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига таклиф киритади;

-Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишган ҳолда

RESPUBLIKASI ... RO'YXATGA OLINDI

Республика кенгашининг даромадлар ва харажатлари сметасини тасдиқлайди, мол-мулкини тасарруф қилади;

- касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ўрганиш мақсадида аудитор ташкилотларни жалб қилиши мумкин;

- тизимдаги касаба уюшмаси ташкилотларининг штатлар бирликларини белгилаб беради ва улар устидан доимий назорат олиб боради;

-Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган ҳолда хорижий мамлакатларнинг турдош касаба уюшмалари ва халқаро касаба уюшма марказлари билан ҳамкорлик қилиш масалаларини ҳал этади;

-касаба уюшмаси мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилиш бўйича қарорлар қабул қилади;

-Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишган ҳолда касаба ташкилий тузилиши ва аппаратнинг штатлар жадвалини тасдиқлайди;

-Республика кенгашининг иш режасини тасдиқлайди;

-Қурултой, Республика кенгаши томонидан ваколат берилган бошқа вазифаларини бажаради.

Ижроия қўмитада кўрилган масалалар бўйича хулосалар қарор шаклида қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

**60.** Касаба уюшмаси раиси - Республика миқёсидаги касаба уюшмасининг раиси ҳисобланиб, 5 йил муддатга сайланади, лавозими бўйича касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Ижроия қўмитасига ҳам раислик қилади.

Қурултой қарорига биноан, касаба уюшмаси номидан Қурултой ваколат берган шахс Республика кенгаши раиси билан меҳнат шартномасини имзолайди.

**Республика кенгаши раиси:**

-Қурултой, Республика кенгаши ва Ижроия қўмита олдида ҳисобот беради;

-давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, халқаро ташкилотларда касаба уюшмаси номидан иш кўради;

-Ижроия қўмита ёки касаба уюшмаси Республика кенгаши Мажлисида тасдиқлаш шарти билан Ижроия қўмита номидан иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, хорижий касаба уюшма ташкилотлари билан келишувларни имзолайди;

-муассаса ва ташкилотлар раҳбарларидан ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини камситадиган ёки қонун ҳужжатларига зид қарорлари ижросини тўхтатиб қўйишни ёки ўзгартиришни талаб қилади;

- тармоқ келишувлари имзолаган вазирлик ва идораларда мавжуд муаммолар юзасидан шахсан паритет ташкилотлар раҳбарлари билан музокараларга киришиш ва натижаси юзасидан қўшма қарорлар қабул қилиш;

-касаба уюшмаси номидан мурожаатнома ва тавсиялар йўллайди;

-касаба уюшмаси ва унинг органлари номидан юридик ва жисмоний шахслар билан алоқада ишончномасиз ҳаракат қилади ҳамда мулоқот олиб боради;

-аппаратнинг ички меҳнат тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

-Республика кенгаши аппаратига умумий раҳбарликни амалга оширади, аппарат ходимларини лавозимга тайинлайди, лавозимидан бўшатади, уларнинг вазифаларини белгилайди, рағбатлантиради ва интизомий жазо чораларини

қўллайди. Республика кенгаши аппаратининг маъмурий-хўжалик фаолиятини таъминлайди;

-мазкур Уставда белгиланган ваколати доирасида фармойишлар чиқаради;

-Республика кенгаши номидан ишончнома беради;

-Республика кенгаши Ижроия қўмитаси мажлисини чақиради, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан мажлисга ҳужжатлар тайёрланиши ва киритилишини назорат қилади, қабул қилинган қарорларни имзолайди;

-Республика кенгаши номидан хўжалик ва бошқа шартномаларни тузади;

-тасдиқланган смета ва Ижроия қўмита қарорларига мувофиқ мулк ва пул маблағларидан фойдаланишни бошқаради;

-касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан унга берилган бошқа вазифаларни бажаради.

## X. КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯЛАРИ

**61.** Касаба уюшмаси ташкилотларининг тафтиш комиссиялари касаба уюшмасининг тегишли сайлаб қўйиладиган органлари билан бир вақтда умумий йиғилишларда, конференцияларда, Қурултойда беш йил муддатга сайланадилар.

Тафтиш комиссиялари ўз фаолияти тўғрисида тегишли умумий йиғилишлар, конференциялар ва Қурултойда ҳисобот берадилар ҳамда мазкур Устав ва "Тафтиш комиссияси ҳақидаги Низом"га асосан фаолият юритадилар.

Тафтиш комиссиялари Устав талабларига риоя қилиши, уларнинг молиявий-хўжалик фаолияти, аъзолик ва бошқа бадалларнинг ҳисобланиши, тушиши, ўтказилиши, пул маблағларининг тўғри сарфланиши, касаба уюшмаси мулкидан фойдаланишни назорат қилади.

Умумий йиғилишлар, конференциялар ва Қурултойлар оралиғида зарурат туғилганда тафтиш комиссияси аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш тизимдаги касаба уюшмаси раҳбар органлари билан тегишли тафтиш комиссиясининг қўшма мажлисларда амалга оширилади.

Касаба уюшмаси тафтиш комиссияси қуйи касаба уюшмаси ташкилотларини тафтиш қилиш ҳуқуқига эга.

**62.** Тафтиш комиссиялари аъзолари касаба уюшмасининг тегишли раҳбар органлари йиғилишларида маслаҳат овози билан қатнашиш ҳуқуқига эга.

## XI. РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ АППАРАТИ

**63.** Республика кенгаши аппарати касаба уюшмаси ташкилотларининг мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш учун шакллантирилади ва доимий асосда фаолият юритади. Республика кенгаши аппарати ўз фаолиятини Ижроия қўмита томонидан тасдиқланган регламент асосида амалга оширади.

**64**. Республика кенгаши аппарати:

- ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларига доир, жумладан, бандлик, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, иш ҳақи, меҳнат шароити, ходимларнинг меҳнатини, соғлиғини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уй-жой ва маиший турмуш шароити, маданий хизмат кўрсатиш, ходимларнинг ижтимоий кафолатлари масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни норматив - ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаш юзасидан фаолият олиб боради;

- ҳудудий ташкилотлар билан алоқада бўлади, бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари ташкилотлари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан халқаро алоқаларни ривожлантиради, уларнинг иш тажрибасини ўрганади, шунингдек касаба уюшмалари фаолиятини тарғиб қилади;

- ҳудудий ташкилотларнинг касаба уюшмалари умумий вазифаларини бажариш борасидаги ҳаракатларини бирлаштиради ва мувофиқлаштиради, касаба уюшмаларининг республика миқёсидаги тадбирларини ўтказади;

- ҳудудий ташкилотлар томонидан илгари сурилган ҳимоя талабларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви, шунингдек суд органларида қўллаб-қувватлайди, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш учун қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқуқларидан фойдаланади;

- ўз ваколатлари доирасида ҳудудий ташкилотларнинг касаба уюшмаси фаолиятига тегишли барча йўналишлардаги ишларини ташкил қилади, йўналтиради ва уларга амалий ёрдам беради;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлар билан биргаликда санаторий-курортларда даволашни, болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни, маданият, дам олиш, туризм, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини ривожлантириш чораларини кўради;

- қонунда касаба уюшмасига берилган ҳуқуқлар ҳамда раҳбар органлари берган ваколатлар доирасида бошқа вазифаларни амалга оширади.

## XII. КАСАБА УЮШМАСИ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ МАЖЛИСЛАРИНИ ВАКОЛАТЛИ БЎЛИШИ, ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

**65.** Касаба уюшмаси Қурултойи, конференцияларида делегатларнинг камида учдан икки қисми, касаба уюшмаси коллегиал раҳбар органлари мажлислари уларнинг ишида мазкур ташкилот касаба уюшмаси аъзоларининг ёки сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда, улар ҳуқуқли ҳисобланади.

**66.** Касаба уюшмаси Қурултойи ва ҳудудий конференциялар, умумий йиғилишлари ва бошқа коллегиал раҳбар органлари мажлисларининг қарорлари, уларда қатнашаётган делегатлар, сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг ёки йиғилиш қатнашчиларининг ярмидан кўпи қўллаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

Касаба уюшмаси фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор, Қурултойда иштирок этаётган делегатларнинг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

**67.** Овоз бериш шакли (очиқ ёки ёпиқ) ва тартиби Қурултой, конференция делегатлари, коллегиал раҳбар орган йиғилишлари иштирокчилари томонидан белгиланади.

**68.** Конференциялар, коллегиал раҳбар органлари мажлисларида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинади ва баённомалар расмийлаштирилади.

Сайланган коллегиал органларнинг ваколати тугаганда, навбатдаги йиғилишни ўз вақтида ўтказиш имкони бўлмаса, шу органнинг ваколатини узайтириш тўғрисида коллегиал орган қарор қабул қилади.

Коллегиал орган йиғилишларини онлайн(масофадан) ўтказиш мумкин.

## XIII. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, МОЛ-МУЛКИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА БОШҚАРИШ ТАРТИБИ

**69.** Касаба уюшмасининг пул маблағлари касаба уюшмаси аъзоларининг ойлик аъзолик бадалларидан, ишлаб чиқариш, хўжалик, ноширлик, хомийларнинг касаба уюшмасини қўллаб-қувватлаш учун берган ёрдамлари ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа фаолиятидан келадиган маблағлардан ташкил топади.

**70.** Аъзолик бадаллари ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорида белгиланади.

Касаба уюшмасида ҳисобда турган ишламайдиган пенсионерлар, ишни вақтинча тўхтатган шахслар республикада белгиланган меҳнатга хақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан ҳисобланган иш ҳақининг 1 (бир) фоизи миқдорида бадал тўлашлари мумкин.

**71.** Касаба уюшмасига ҳар ойлик аъзолик бадаллари ходимнинг шахсий ёзма аризасига асосан ташкилотнинг ҳисобхонаси орқали нақд пулсиз тўланади. Касаба уюшма аъзоларининг аризаси, бошланғич ташкилот қарорига кўра аъзолик бадаллари нақд пул шаклида ёки пластик карточкалар орқали тўланишига йўл қўйилади.

**72.** Касаба уюшмаси органлари қўшимча маблағ топиш мақсадида янги иш ўринлари яратиши, белгиланган тартибда корхоналар ташкил этиши, мақсадли жамғармаларни шакллантириши мумкин.

**73.** Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкдаги пул маблағларини депозитга қўйиш, акцияларни сотиб олиш ва ўз мулкларини ижарага бериш ҳуқуқига эгадирлар. Бу фаолиятдан тушган даромад Устав мақсадлари учун сарфланади.

**74.** Аъзолик бадаллари ҳисобидан тушадиган маблағлар маданий-маърифий, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, касаба уюшмаси органларининг аппарат ходимларини сақлаб туриш ва хўжалик харажатлари ҳамда мазкур Уставда белгиланган бошқа мақсадларга Республика кенгаши, ҳудудий бўлинмалари, туман (шаҳар) бўлинмалари ва Бирлашган қўмитанинг тегишли Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган сметаларга мувофиқ харажат қилинади.

**75.** Касаба уюшмаси туман, шаҳар, бирлашган ва бошланғич ташкилотларда ходимлар сони, штатлар жадвали Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида шакллантирилади.

**76.** Касаба уюшмаси ўзининг мустақил баланси, ҳисоб ва бошқа банк ҳисоб рақамларига эга.

**77.** Пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, спорт-соғломлаштириш анжомлари ва тегишли бошқа мол-мулклар касаба уюшмасининг мулкидир.

Касаба уюшмаси ташкилотларида аъзолик бадалларининг тақсимоти миқдори ва тартиби Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгиланади.

Касаба уюшмаси мулкдорлик ҳуқуқининг дахлсизлиги ва ҳимояси Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланади.

DAVLAT RO'YXATGA OLINDI

**78.** Касаба уюшмасининг мол-мулки унинг розилигисиз фақатгина суд қарорига биноан олиб қўйилиши мумкин.

## XIV. КАСАБА УЮШМАСИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

**79.** Касаба уюшмаси органларининг меҳнат шартномаси тузиш йўли билан лавозимга қабул қилинган (умумий тартибда номуайян муддатга) аппарат ходимлари билан меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

**80.** Ҳудудий бўлинмаларининг аппарати касаба уюшмаси сайланма органларининг фаолиятини таъминлаш учун тузилади ва ўз фаолиятини Ижроия қўмита қарори билан тасдиқланган регламент асосида амалга оширади.

**81.** Сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган ходимлар билан меҳнат шартномалари (контракт) тузилади. Меҳнат шартномаси умумий йиғилиш, конференция, Қурултой номидан умумий йиғилиш, конференция, Қурултой ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Уларга ҳам меҳнат қонунчилиги татбиқ этилади.

**82.** Штатдаги касаба уюшмаси ходимларининг шахсий ҳужжатлари йиғмажилди ва меҳнат дафтарчалари, ходимлар билан меҳнат шартномаси (контракт) тузган касаба уюшмаси ташкилотида сақланади. Мазкур ташкилот меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш (сайланиши), бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни киритади.

## XV. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

**83.** Касаба уюшмаси органлари ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

## XVI. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИ

**84.** Касаба уюшмаси юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг белгиланган намунадаги муҳри, штампи, бланкларига, шунингдек, банкларда ўз ҳисоб рақамларига эга бўлиши мумкин.

**85.** Касаба уюшмаси ўз фаолиятини амалга ошириш учун мустақил равишда Устав, Низомларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, фаолиятининг мақсадини, шакл ва услубларини белгилайди. Қурултой, конференциялар, йиғилишлар чақиради ва бошқа тадбирлар ўтказади.

**86.** Касаба уюшмаси белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўз рамзий белгисига эга бўлади.

## XVII. КАСАБА УЮШМАСИ УСТАВИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

**87.**Мазкур Уставга Қурултой томонидан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади. Амалдаги қонунларга ўзгартиришлар киритилган ёки янги қонунлар қабул қилинган ҳолларда, Қурултой оралиғида Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар

Республика кенгашининг қарори билан киритилади.

Уставга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатда қайта рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилади.

**88.** Ушбу Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор Қурултойда иштирок этаётган делегатлар, Республика кенгаши мажлисида иштирок этаётган аъзоларнинг камида 2/3 (учдан икки) қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган хисобланади.

## XVIII. КАСАБА УЮШМАСИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

**89.** Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ёки тугатиш тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси Қурултойида қабул қилинади. Кворум мавжуд бўлган холда Қурултойда катнашаётган делегатларнинг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берганда, қарор қабул қилинган ҳисобланади.

Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади. Касаба уюшмасини қайта ташкил этишда Қурултой касаба уюшмасининг ҳуқуқий ворисини белгилайди.

**90.** Касаба уюшмасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, касаба уюшмаси Қурултойи қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш комиссиясини тайинлайди, шунингдек, кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг қолган мулкни касаба уюшмаси Уставига мувофиқ қайси мақсадга йўналтиришни белгилайди. Касаба уюшмасининг мол-мулки касаба уюшмаси аъзолари ва ходимлари ўртасида тақсимланмайди.

**91.** Касаба уюшмаси фаолиятини тўхтатиш, шунингдек тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда, суд қарорига асосан амалга оширилиши мумкин.

## XIX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

**92.** Устав ҳамда унинг айрим қоидалари талқинини бериш Республика кенгаши ваколатига, Республика кенгашининг пленумлари оралиғида эса Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг мутлоқ ваколатига киради.

Республика кенгаши раиси Р.Бедилов

ТАСДИҚЛАЙМАН

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

__________________ Р.Бедилов

Тикилган ва муҳирланган
22 (йигирма икки) варақда